

DIYOR OVOZI

№ 3-4

(3884-3885)

2023-yil
7-aprel,
juma

@diyor_ovozi



Toshkent tumani ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Gazeta 1977 yil 1 apreldan chiqa boshlagan

Telegram tarmog'idagi kanalimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент тумани Кенгашининг навбатдаги олтинчи чақириқ олтимиш биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни кенгаш раиси Одилхон Рустамов бошқарди.

Сессияда Референдум ўткази-лиши бўйича масалалар, тарғибот гуруҳларини ташкил этиш, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кафолатли етказиб бериш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича 2 “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш, туман ҳокимининг туманда



ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ

инсон қадри устувор бўлган жамият бунёдкори



Маълумки, 2022 йилнинг 8 августида Президентимиз томонидан “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Мазкур Қонун давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, қонун билан

давлат органларида фуқаролик хизмати ўташ тартиби, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Хўш, “Давлат хизматчиси ким?” деган савол туғилади. Унга Қонуннинг 10-моддасида “Давлат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАҲАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар илчиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг даромадларини ошириб бориш мақсадида:

1. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилсин.
2. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:
 - пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 347 000 сўм;
 - ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 677 000 сўм;
 - ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига 747 000 сўм;
 - меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 747 000 сўм;
 - 1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига 3 296 000 сўм;
 - белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига 747 000 сўм;
 - зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм;
 - иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги

ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 535 000 сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – 198 000 сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 535 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. 2023 йил 1 майдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилсин.

4. 2023 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 980 000 сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори – ойига 330 000 сўм этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақларини ошириш билан



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ МОҲИЯТИ



Амалдаги Конституцияда 41-модда.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Янги таҳрирда 50-модда.

Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъмин-

лайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

51-модда.

Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш,

тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

52-модда.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Мақсуда **ВОРИСОВА**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

МИННАТДОРМИЗ

Куни кеча Президентимизнинг ПФ-408 сонли Фармонида асосан бизнинг 1400 метрлик Гуляшнар кўчамизга тўлиқ асфальт ётқизилди.

Ушбу ҳайрли иш “Автомобиль йўл санъат инвест” компанияси ходимларининг фидокорона меҳнатлари билан 1 кунда яқунланди. Шу муносабат билан кўчамиз аҳли номидан компания бош раҳбари Ш.Рўзметовга, про- раб Д.Алматовлар бошчилигидаги аҳил жа- моага миннатдорчилигимизни билдирамыз.



Раҳимжон ШОДИЕВ,
“Ширин” маҳалласи фаоли

ФИДОЙИЛАРГА ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ТАШАККУРНОМАСИ

Бу йилги аномал совуқда энг катта юк электр тармоғи ходимла- рига тушгани ҳеч кимга сир эмас.

Газ босимининг пасайиб кет- ганлиги сабабли газ таъминоти- даги узилишлар даврида кўплаб хонадонлар уйларини иситиш учун электрдан фойдаланишди. Бу эса электр тақсимловчи ускуналар- нинг зўриқиб ишлаши, тез-тез иш- дан чиқишига сабаб бўлди. Бундай чоқларда туман электр тармоқлари

корхонасининг ишчи-хизматчилари кунни кун, тунни тун демай, совуқ об-ҳаво шароитида ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам носоз- ликларни бартараф этишда жон- бозлик кўрсатдилар.

Уларнинг фидокорликлари эса халқимиз, юқори идоралар томони- дан эътироф этилди. Куни кеча соҳа ходимларининг бир гуруҳига туман ҳокимлигининг ташақкурномалари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 10-округ комиссияси ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси-нинг “Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида”ги Қонунининг 16,20-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 10-округ комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 10-сайлов округи ҳудуди бўйича

ТОШКЕНТ ТУМАНИ БЎЙИЧА:

551-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – Тошкент тумани “Иқбол” маҳалласи. “Ёшлик” кўчаси 2 уйдаги 8-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди чегараларида.

552-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Сабзавот” маҳалласи, “Тепакўрғон” кўчасидаги 25-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Сабзавот” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди ҳамда “Тутзор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудлари чегараларида.

553-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Дархон” маҳалласи, “Чимкент йўли” кўчаси 2-уйдаги Ўрмон хўжалиги коллежи биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Дархон” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

554-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази “Ойдин ҳаёт” маҳалласи “Ойдин ҳаёт” кўчасидаги 21-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ойдин ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

555-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Авлиё ота” маҳалласи, “Карвон йўли” 2-берк кўчаси 121-уйдаги 22-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Авлиё ота” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

556-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Авлиё ота” маҳалласи, “Карвон йўли” 2-берк кўчаси 121-уйдаги 22-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Раҳбаробод” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

557-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Иброт” маҳалласи, “Чимкент йўли” кўчасидаги 33-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Иброт” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Боғбон” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Нихол”, “Обод диёр”, “Чимкент йўли” кўчалари ҳудуди чегараларида.

558-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази: 9207-сонли ҳарбий қисм биноси.

Референдум участкаси: 9207-сонли ҳарбий қисм ҳудуди.

559-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Гулистон” ҳудуди “Айриота” маҳалла

референдум участкаларининг жойлашуви юзасидан 7 та шаҳар ва 15 та туманлар ҳокимларининг тақдимномалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти референдуми округи ҳудудида қуйидаги референдум участкалари тузилсин.

фуқаролар йиғини “Оҳанграбо” кўчаси 13-уйдаги 23-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Қашқарлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Боғбон” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Ҳожията” ва “Гавҳар” кўчалари ҳудуди чегараларида.

560-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Айри ота” маҳалласи, “Оҳанграбо” кўчаси 118 уйдаги 5-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Курувчи” маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудуди чегараларида, ҳамда “Айри ота” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

561-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Саноат” маҳалласи, “Саноат” кўчасидаги 24-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Саноат” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Чимкент йўли” кўчаси (тўлиқ) ва “Истиклол”, “Чимировул” кўчалари ҳудуди чегараларида.

562-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Ғишткўприк” маҳалласи, “Сулола” кўчаси 29-уйдаги 28-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ғишткўприк” маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудуди чегараларида, ҳамда “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Оқсув” ва “Иқтидор” кўчалари ҳудуди чегараларида.

563-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Ғишткўприк” маҳалласи, “Сулола” кўчаси 29-уйдаги 28-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Сирғали” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

564-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Сарке” маҳалласи, “Сулола” кўчасидаги “Меди Ланд Пхарм” МЧЖ биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Сарке” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

565-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Ширин” маҳалласи, “Гулистон” кўчасидаги 16-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Чувалачи” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

566-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази: “Ширин” маҳалласи, “Лолазор” кўчаси-

даги Боймуҳаммедов қишлоқ врачлик пункти филиали биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ширин” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

567-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Гултепа” МФЙ, “Меҳр нури” кўчаси 1-уйдаги 15-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Истикбол” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

568-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Гултепа” маҳалласи, “Садаф” кўчасидаги Логистика маркази биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Гултепа” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

569-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Маърифат” маҳалласи, “Ҳосилот” кўчасидаги 14-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Гулбод” маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ ҳудуди чегараларида “Маърифат” МФЙнинг “Баркамол” асосий, “Зиёлилар”, “Зафар”, “Қуйи Кўктерак”, “Фаол”, “Якдил” кўчалари ҳудуди чегараларида.

570-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Маърифат” маҳалласи, “Ҳосилот” кўчасидаги 14-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ҳалимқўп” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди чегараларида.

571-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Уч-чинор” маҳалласи, “Келес йўли” кўчасидаги 1-сектор биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ҳалимқўп” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди чегараларида.

572-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Фаровон” маҳалласи, “Қуйи Кўктерак” кўчаси 56-уйдаги Кўктерак қишлоқ оилавий поликлиника биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Фаровон” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

573-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази: “Калас” маҳалла фуқаролари йиғини ҳудуди “Калас” маҳалла фуқаролари йиғини биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Калас” маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ ҳудуди чегараларида “Маърифат” МФЙнинг “Ҳосилот” кўчаси, “Баркамол” 1, 2, 3, 4-кўчалари ҳудуди чегараларида.

574-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази: тумандаги Вилоят силга қарши кураш диспансери биноси.

Референдум участкаси чегаралари: Вилоят силга қарши кураш диспансери.

575-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Мажнунтол” маҳалласи, “Ойдин” кўчаси 141-уйдаги 7-сонли умумтаълим

мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Мажнунтол” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида ҳамда “Хиёбон” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Ойдин” кўчасининг 75-хонадонидан 144-хонадонгача, “Ойдин ўтиш” кўчасини чап томони 2, 2а, 4, 6, 6а, 8, 8а, 10, 12, 14, 16, 18, 19б, 20, 20а, 22, 22а, 24, 29, 30, 32, 33, 33а, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 46а-хонадонлари ҳудуди чегараларида.

576-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази: “Заргар” маҳалласи, “Ибн Сино” кўчаси 11-уйдаги 2-сонли касб ҳунар мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Заргар” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Хиёбон” маҳалла фуқаролар йиғини “Хушбахт” ва “Фирдавс” кўчалари ҳудуди чегараларида.

577-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази: “Соҳибкор” маҳалласидаги Болалар ўсмирлар спорт мактаби меҳмонхона биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Хиёбон” маҳалла фуқаролар йиғини “Боғзор”, “Ойдин” кўчасининг 1-хонадонидан 74-хонадонгача, “Ойдин” ўтиш кўчасининг ўнг томони 1, 3, 5, 5а, 7, 9, 11, 13, 15, 17, 19, 21, 23, 25, 26, 27, 27а, 28, 31, 34-хонадонлари ҳудуди чегараларида.

578-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Нурхаёт” маҳалласи, “Аҳиллик” кўчасидаги 22-сонли Қишлоқ оилавий поликлиника биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Нурхаёт” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

579-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Боғизилол” маҳалласи “Бобур” кўчаси 89-уйдаги 4-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Боғизилол” маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ ҳудуди чегараларида.

580-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Эъзоз” маҳалласидаги “Эъзоз” маҳалла фуқаролари йиғини биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Эъзоз” маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ ҳудуди чегараларида.

581-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Заҳарик” маҳалласи, “Шифокор” кўчаси 2-уй Қизғалдоқ қишлоқ врачлик пункти биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Заҳарик” маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ ҳудуди чегараларида.

582-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Бунёдкор” маҳалласи, “Сулола” 16-тор кўчаси 1-уйдаги 27-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

583-референдум участкаси

Референдум участкаси маркази – “Қизғалдоқ” маҳалласи, “Олмазор” кўчасидаги 9-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 10-округ комиссияси ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Чегаралари: “Қизғалдоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

584-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Файзиобод” маҳалласи, “Келес йўли” кўчасидаги Туман тарихий музейи биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

585-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Файзиобод” маҳалласи, “Келес йўли” кўчасидаги Универсал спорт мажмуа биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Файзиобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

586-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Кенсой” маҳалласи, “Равнақ” кўчасидаги 20-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Кенсой” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

587-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Ҳасанбой” маҳалласи, “Бинафша” кўчаси 2-уйдаги 13-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ҳасанбой” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

588-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Баҳор” маҳалласи, “Ҳамза” кўчасидаги 19-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

589-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Баҳор” маҳалласи, “Ҳамза” кўчасидаги Толип ота гузари биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ҳасанбой гузари” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

590-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Қорасарой” маҳалласи, “Қорасарой” кўчаси 53-уйдаги Хизмат кўрсатиш ва сервис техникум биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Қорасарой” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

591-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Қирарик” МФЙ, “Фаровонлик” кўчаси 34- уйдаги Маданият уйи биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Қирарик” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

592-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази

– “Келес” шаҳри “Фаровонлик” кўчаси 10-уйдаги 17-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Аҳиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Гунафша”, “Омонлик”, “Ахиллобод”, “Ҳамдўстлик” кўчалари ҳудуди чегараларида.

593-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Уч-сада” маҳалласи, “Гавҳар” кўчаси Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Уч-сада” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Анҳор”, “Учкун”, ва “Элобод” кўчалари ҳудуди чегараларида.

594-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Кўктерак” маҳалласи, “Юқори Кўк-терақ” кўчаси 1А-уйдаги 12-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Кўктерак” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Сағбон” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Сағбон” (Охунбобоев), “Огаҳий-1” (А.Самиғов) ва “Огаҳий-2” (Х.Олимжон) кўчалари ҳудуди чегараларида.

595-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Сағбон” маҳалласи, “А.Фитрат” кўчасидаги 31-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ободлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида ҳамда “Сағбон” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Обод”, “Чилонзор”, “Хувайдо”, “Мамлакат” (Нодира), ва “Абдурауф Фитрат” (Жонибеков) кўчалари ҳудуди чегараларида.

596-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Ифтихор” маҳалласи, “Садаф” кўчасидаги Болалар ўсмирлар спорт мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғинининг “М.Қашғарий”, “Бунёдкор”, “Офарин”, “Намунали” уй, “Келес йўли” кўчалари ҳудуди чегараларида.

597-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Озодлик” маҳалласидаги 18-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Озодлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Хувайдо” маҳалла фуқаролар

йиғинининг “Тепакўрғон”, “Диёнат”, “Элбаҳт”, “Равнақ” ва “Бунёдкор”-1, “Бунёдкор”-2 кўчалари ҳудуди чегараларида.

598-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Оқибат” маҳалласи, “Келес йўли” кўчасидаги туман марказий Маданият саройи биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Оқибат” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

599-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Дийдор” маҳалласи, “Анҳор” кўчасидаги ЎзСПЕ ва КИТИ биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Зарбдор” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Келес”, “Келес тор”, “Илғор”, “Илғор”, “Чинор” 1, “Чинор” тор, “Заҳарик” 1,2,3,4,5-тор, “Ватан” 1, “Ватан” 1/ 1 тор, “Ватан” 1/2 тор, “Мустақиллик”, кўчалари ҳудуди чегараларида, ҳамда “Дийдор” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Келес”, “Саховат”, “Оқсой финский”, “Дийдор”, “Нижон”, “Сафдош”, “Диёнат”, “Оқсой” 1-б-дом, “Қардошлик”, кўчалари ҳудуди чегараларида.

600-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Дийдор” маҳалласи, “Шифобахш” сувлар кўчасидаги 1-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Чигатой” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Кўксарой” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

601-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Кўхинур” маҳалласи, “Шифобахш” сувлар кўчаси 169-уйдаги 1-сонли касб-хунар мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Бештерақ” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Дийдор” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Шифобахш” сувлар, “Саховат”, “Шухрат” тор ва “Шухрат” кўчалари ҳудуди чегараларида ҳамда “Кухинур” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Хурмозор” 1/7 кўчалари ҳудуди чегараларида.

602-референдум участкаси

3. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш округ комиссияси раисининг ўринбосари Ф.Акбарова зиммасига юклатилсин.

10-округ комиссияси раиси

У.ТЎХТАЕВ

Нурафшон шаҳри.
2023 йил 28 март

Жараён

Ҳақат тахминларга таяниб иш кўрган одам ютқазади. Таваккалчилик, башоратгўйлик маълум жабҳалардагина зарур. Аниқ статистика эса ҳар соҳада керак. Бусиз ривожланиш ҳақида гапириш ўринсиз. Айниқса, ҳозирги тез ўзгариб бораётган замонда!

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу ҳам бевосита статистикага дахлдор. Яъни аҳолини рўйхатга олиш ҳақида.

Хўш, бу амалиёт нима учун керак? Нега кейинги бир йилда бу ҳақда жуда

кўп гапириляпти? Нима, бизда шу пайтгача аҳоли рўйхатга олинмаганмиди?

Шунингдек, Қонунда, аҳолини рўйхатга олишни тартибга солиш соҳасида

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЛК ИЛК БОР ЎЗ АҲОЛИСИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗМОҚДА. НЕГА?

давлат бошқаруви, махсус ваколатли давлат органи, рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари,

аҳолини рўйхатга олишда иштирок этувчи респондентлар ва рўйхатга олувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тар-

тиби, тадбирларни молиявий таъминлаш асослари белгилаб берилган.

Айни пайтда Давлат статистика агентлиги томонидан “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-

Референдум участкаси маркази – “Шамсиобод” маҳалласи, “Шифобахш сувлар” кўчаси 80-уй 21-Қишлоқ оилавий поликлиника биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Кўхинур” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Беруний” 1/2, “Хурмазор” 1/5, “Шифобахшсувлар”, “А.Жомий 1/6, “Шинам” 1/5, “Мустақиллик” 1/10, “Гўзаал”, “Ўрикзор” 1/5, “Мухандис”, “А.Жомий” кўчалари ҳудуди чегараларида, ҳамда “Шамсиобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

603-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Олтинтепа” маҳалласи, “Субҳидам” кўчасидаги 2-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Олтинтепа” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

604-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Беруний” маҳалласи, “Чинор” кўчаси 37-уйдаги 3-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Қорабўрик” МФЙ тўлиқ ҳудуди чегараларида, “Беруний” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Зарбдор” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Чинор”, “Ватан”, “Жийда гули” кўчалари ҳудуди чегараларида.

605-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Оқтом” маҳалласи, “Мустақиллик” кўчасидаги Маданият маркази биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Оқтош” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Қушқўнди” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Шабнам”, “Увайсий” ва “Жамоат” кўчалари ҳудуди чегараларида.

606-референдум участкаси
Референдум участкаси маркази – “Оқтом” маҳалласи, “Мустақиллик” кўчасидаги 30-сонли умумтаълим мактаб биноси.

Референдум участкаси чегаралари: “Оқтом” маҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ ҳудуди чегараларида, ҳамда “Қушқўнди” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Шод”, “Хуррият”, “Бирлашув”, “Биллур” ва “Қушқўнди” кўчалари ҳудуди чегараларида.

моҳияти, аҳолини рўйхатга олишнинг аҳамиятини тушунтириш бўйича ахборот-тарғибот ишлари ҳам изчил давом эттириляпти. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш жараёни билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, аҳолимиз ўзларининг келажаги учун аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида фаол равишда иштирок этишлари лозим бўлади.

Туман статистика бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

➡ **1** боғлиқ харажатлар – Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан; пенсиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар – Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Фармон талабларини бажариш учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини ошириш ҳисобига молиялаштирилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия

этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев.
Тошкент шаҳри 2023 йил 28 март

Муносабат

ИНСОНЛАРИ ҚАДРЛАНАЁТГАН ЮРТ БУ

Юртимизда инсон, унинг кадр-қиммати ҳамиша улуғланиб, қадрланиб келинган. Кейинги йиллар ичида қайси соҳани олиб қараманг, амалга оширилаётган ишлар инсон манфаати, унинг яхши яшашига хизмат қилади.

Янгиланаётган Конституциямизнинг 1-моддасида “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деган ёзувлар битилган. “Ижтимоий” деган сўзга эътибор қаратадиган бўлсак, шу бир оғиз сўз замирида жуда катта маъно мужасам.

Кейинги йиллар ичида юртимизда ижтимоий соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси инсонни рози қилишга, унинг кадр-қимматини улуғлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Давлат бюджетининг 50 фоиздан ортиғи айнан шу соҳага ажратилаётганлиги фикримиз исботидир.

Асосий Қонунимизда пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган иш ҳақининг истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги қатъиян белгилаб қўйилмоқда. Демак, инсон ҳақидаги ғамхўрлик янада ортади.

Конституциямизга киритилаётган қатор ўзгаришларни ўқирканман, ўзимда бир мамнунлик ҳиссини туйдим. Мен буларнинг барчасини қўллаб-қувватлайман ва Референдумда фаол иштирок этаман ва бошқаларни ҳам шунга чорлаб қоламан.

Биз ватанимиз тараққиёти, фаровон ҳаётимиз учун оилавий овоз берамиз.

Ғофиржон СОЙИПОВ.
меҳнат фахрийси.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ

инсон қадри устувор бўлган жамият бунёдкори

➡ **1** фуқаролик хизматчиси Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчисидир”, деб аниқлик киритилган.

Давлат хизматчиси – нафақат малакали бошқарувчи, балки ваколати доирасига давлат вазифаларини амалга ошириш ва давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг малакали ижросини таъминлаш кирадиган мансабдор шахс ҳамдир. Давлат хизматчиси – бу оддий ҳодим эмас, у давлат топишириғи ва манфаатлари бўйича унинг номидан ҳаракат қилувчи инсондир. У фуқаролар манфаатлари йўлида давлат органлари тизимида давлат ҳокимияти ваколатларини бажарадиган, халқ иродасини ифода этиб, ижтимоий масалаларни ҳал этадиган махсус ижтимоий фуқаролар библигининг вакили ҳисобланади. Қонун билан давлат фуқаролик хизматчиларига ўз хизмат вазифаларини виждонан бажариш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, ваколатидан шахсий ва бошқа қонунга ҳилоф мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик каби мажбуриятлар юклатилди.

Давлат фуқаролик хизматчиларига ўзаро яқин қариндошликда бевосита бўйсунув остидаги лавозимни эгаллаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, ўз хизматини бажариши эвазига фуқаролардан мукофот олиш, республикадан ташқарида ҳисоб рақамлар очиш каби ҳолатларга чеклов қўзда ту-

тилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ташкил этилди. Юртбошимиз ушбу қарорлар билан “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улуғвор мақсадни сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди.

Жумладан у аввало, олий маълумотга ва давлат фуқаролик хизмати ҳамда эгаллаган мутахассислигига доир қонун ҳужжатларини қўллаш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши давлат ҳамда хорижий тиллардан бирини мукамал билиши; стратегик ва тахлилий фикр юрита олиши, қарорларни тез қабул қила олиши ҳамда уларни бажара олиши; юқори профессионализм, ҳалоллик ва адолатда ўрнатилган ҳақда иш вақтидан самарали фойдалана олиши ва мунтазам ўз устида ишлаши, хусусан хорижий тажрибани кузатиб бориши ҳамда энг афзал жиҳатларини иш жараёнига қўллаш олиши;

коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг профилактикасига қўмаклашиши, ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслиги; охириги уч йилда давлат органлари ва ташкилотларидан салбий сабабларга қўра бўшатилмаган бўлиши керак.

Биз очиқлик ва шаффофлик давлат бошқарувининг муҳим талаби бўлган жамиятда яшашимиз. Одамларни қуруқ ваъдалар билан умидвор қилиш билангина ишлаб бўлмайди. Халқимизни бугун ҳар бир ишнинг аниқ натижаси қизиқтирмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, халқимиз эртага эмас, бугун яхши яшашни истайди ва бунга ҳақли ҳам. Бунинг учун ҳар бир давлат хизматчиси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўзини халқнинг энг яқин кўмакчиси деб билган ҳолда вазифасини виждонан бажарса албатта яхши натижага эришадди. Хуллас сўзи билан иши бир, эл-юрт иши учун фидойи инсон бўлмоғи зарур.

Давлат фуқаролик хизматларининг давлат реестри Президент томонидан тасдиқланди ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан юритилади. Реестрга киритилган лавозимларга давлат хизматчилари очик танлов асосида тайинланади.

Сардорбек ЭРҒАШЕВ,
туман ҳокимининг
1-ўринбосари.

РАМАЗОН АЙТИБ КЕЛДИМ ЭШИГИНГИЗГА...

Бугун ишидан одатдагидан эртароқ қайтган Назар таомланиб бўлгач, одатича диванга ёнбошлади-да, қўлидаги телефонда интернетни титкилай бошлади. Орадан чамаси ярим соатлар ўтгач, кўча тараф-дан шовқин эшитилди. Назар сергак тортиб, диққатини жамлади. Болалар рамазон айтишаётганди.

“Айтмоқчи, ҳозир рўза-ку, орадан бир неча кун ўтиб кетди, лекин нега “рамазон”ни энди айтишяпти?”. деб ўйлади у. Аслида болалар рўза бошланган кундан бошлаб эшикма-эшик юришарди. Лекин Назар ишдан кеч қайтгани учун улар аллақачон кетиб қолган бўлишарди.

Болалар эшик олтидан кетмай, бири олиб, бири қўйиб “куйлашарди”:

**Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Кўчқордек ўғил берсин бешигингизга.
Эшигингиз олтида ой кўрдик,
Сизни ҳаммадан бой кўрдик...**

Назар ўрнидан тураркан, мийиғида кулиб қўйди. Кейин қўлидаги салафан ҳалтага турли егуликларни солиб, дарвоза томон кетаётган хотинини тўхтатди: “Ўзим олиб чиқаман...”.

Эшик олтида кутиб турган болалар бир қўлида ҳалта, иккинчи қўлида бир даста пул тутиб турган амакининг пул ушлаган қўлига ёпиша кетишди. Фақатгина бир четда қимтиниб турган охори тўкилган кийим, оёғига йиртилиб кетган арзон шиппак кийиб олган 5-6 ёшлар чамасидаги болакай унинг қўлидаги ҳалтага кўрқа-писа қўл узатди.

– Олақол, болам, тортинма, – деди Назар қўлидагини болага узатаркан.

– Кимнинг ўғлисан? Қаерда турасизлар?

– Сув бўйида, хув ана кўриниб турибди, – деди болакай кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб қўшни маҳалланинг ҳудудига тегишли



Удум ва анъаналаримиз

узокроқдаги уйларни кўрсатиб. – Ойим ва уч опа-синглим билан. Дадам ўлиб қолганлар. Ойимам касаллар...

Назарнинг юрагининг бир четини нимадир тимдалаб ўтгандек бўлди. Болаларни жўнатиб, уйига кирганида ҳам юрагидаги ғашлик тарқамади. Ҳаёлидан болалиги кетмай қолди.

Ўшанда улар ҳам рўза кириши билан уйма-уй юриб, рамазон айтишарди. Аслида Назар бундай қилишга жуда тортинарди. Лекин ўртоқлари қўймагач, уларга эргашарди. Уйига қуруқ қўл билан қайтмасди. Отасининг вафотидан кейин рўзгорлари жуда ночор аҳволга тушиб қолганди. Қўл учида ҳаёт кечи-

ришарди. Рамазон айтиб уйга бирорта нарсаси кўтариб келса, ука ва синглиси учун байрам бўлиб кетарди.

Ҳаёт қизиқ-да, маҳаллани айланиб юриб турли хил одамларни кўраркансан. “Бой” деб эшигининг олтида турсанг ҳам уйдан бир бурда нон чиқариб бермайдиган одамлар ҳам бор эди. Лекин қўли очик кишиларни ҳам кўп кўрди. Айниқса, маҳалланинг этагидаги эскигина уйда яшайдиган мункиллаб қолган чол-кампирининг қўллари жуда очик эди. Улар болаларга қайта-қайта рамазон айттиришар ва шундан кейингина кампир кун бўйи ўчоққа ўтин қалаб, қозон бошида қўймаланиб пиширган қатламами, юпқаними болаларга тенг улашарди. Ҳар куни бу такрорланар, Назарнинг ука ва синглиси учун рўзанинг ҳар куни байрамга айланарди.

Ҳозир шуларни эсласа, ич-ичидан ҳўрсиниқ келади. Бола эканда, ўша кампирнинг бешигига бор овози билан ўғил тиларди. Лекин уларнинг бефарзандлигини кейин билди. Бутун умр бир-бирига суяниб яшаган чол-кампир аллақачон дунёдан ўтиб кетишди.

Бугун Назарнинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, катта тадбиркор бўлиб кетган. Лекин ачинарлиси, унинг тадбиркорлик иши билан ўралашиб, атрофидагиларнинг ҳаётидан узоқлашиб кетгани эди. Бугун болакайлар унга дарс бериб қўйишди...

Эртаси куни кечга томон Назарнинг ичи озиқ-овқат маҳсулотларига лиқ тўла енгил машинаси кечаги болакайнинг уйи олтида тўхтади...

Жамила АМИР қизи.

АНА, ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ КЕЛАЯПТИ...

Ҳоким ёрдамчиси ўз вазифасини қай даражада уддалаяпти? Ўтган давр ичида у одамларнинг ишончини қай даражада оқлай олди? Бу саволга жавоб топиш учун “Истиқбол” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Ҳусниддин Рўзиевнинг ишлари билан танишдик.

Маҳаллада 674 та хонадон бор. Ҳусниддин ака уларнинг барчасини яхши танийди. Дастлаб ишни хонадонларни ўрганиб, тоифаларга ажратишдан бошлаган. Маҳалладаги 10 нафар фуқарога тадбиркорлик қилиш

ка уруғи олишда кўмаклашилди.

Эътиборлиси, Ҳусниддин ака: “Маҳалла ободонлиги, инфратузилмасини яхшилаш менинг вазифамга кирмайди, ҳамма ўз ишини қилсин”, деб ўтирмади. Аксинча, маҳаллага бетон

устун ўрнатиш, ички йўлларни асфальтлашда фаоллик кўрсатди. Боғча муаммосини ҳал қилишни эса биринчи галдаги вазифа деб билди.

Ҳадича Абророва ёш бошига келган турмуш синовларидан тушкунликка тушиб қолганди. Ҳоким ёрдамчиси унга уйида болалар боғчаси ташкил этиш таклифни айтганида, Ҳадича бир оз чўчиди ҳам. Аммо таваккал қилди.

Олинган 33 миллион сўм кредит хоналарни жиҳозлаш учун ишлатилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида иш бошлаган “Sora kids” нодавлат мактабгача таълим муассасасида айна пайтда 35 нафар бола тарбияланмоқда.

– Очиғи, бундай фаолият билан шуғулланаман, деб ўйламагандим, –

дейди Ҳадича. – Эплай олмай уялиб қолмасмикинман, деган ҳаёлга ҳам бордим. Ҳусниддин ака ташкилий ишларда ёнимда туриб, ёрдам бердилар. Кўриб турганингиздек, ишлар яхши

кавланганида ҳосил ҳеч қаерга сиғмай кетарди. Шунда улар ҳосилни бошқа тумандаги омборларда сақлашга мажбур бўлишарди. Энди эса музлаткич аҳолининг жонига оро кирмоқда.

Ҳусниддин ака яна 5 та музлаткич қуришни режалаштириб қўйган.

Субсидия асосида тикув машинаси олган Барно Турғунова қўли-қўлига тегмай буюртмага чойшаблар тикмоқда. Аввал кичкинагина томорқаси ортидан рўзгор тебратган Барно опа тикув машиналарини 9 тага кўпайтириб, опа-сингиллари билан тадбиркорликни бошлаб юборган. Лекин томорқасини ҳам

ташлаб қўймаган, манзарали буталар кўчатларини етиштирмоқда.

Маҳаллани кезар эканмиз: “Ана, ҳоким ёрдамчиси келяпти, маслаҳатлашиб кўр”, деган шивир-шивир гаплар қулоғимизга чалинди. Демак, одамлар унга ишонаяпти, дардини айтаяпти. Аслида ҳам шундай натижа қутилган эмасмиди?

Сизнинг маҳаллангизда вазият қандай? Ҳоким ёрдамчиси ишляптими?

Нозима РАСУЛОВА.

Маҳалла ҳаётидан



кетаяпти, кредитни вақтида тўлаяпмиз. Ҳатто, яна кредит олиб, ёзги болалар майдончаси қуриш ниятидамиз.

“Сарвар табаррук файз” фермер хўжалиги раҳбари Абдували Абдузимов анчадан бери музлаткич қуришни режа қилиб юрганди. Ҳоким ёрдамчиси маҳаллада бўш турган ердан жой ажратишда кўмаклашди. Ҳаммага яхши маълумки, туманимиз деҳқонлари картошка етиштиришда бошқа “ма-наман” деган деҳқонларни ҳам ортда қолдирадиганлардан. Кузда картошка

Фойдали маслаҳат

ЯММЗ — УЙҚУСИЗЛИКНИНГ ДУШМАНИ

Дўконларда сотилаётган газли ширин ичимликларни ичишга сира шошилманг. Ундан оғзингиз лаззатланиши мумкин, бироқ танангиз азият чекади, турли касалликларга дучор бўлишингиз мумкин.

Ён-атрофингизга бир қаранг, оғзингизга таъм, танангизга шифо бахш этадиган неъматларни табиатнинг ўзи сизга тўхфа этиб турибди-ку.

Сувсиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. У чанқоғимизни қондириб, тирикчилигимизни таъминлайди.

Лекин шу оддий сувнинг яна бир шифобахшлик хусусияти ҳам бор, у танамиздаги захарларни ювади, ошқозон фа-



олиятини кўллаб-қувватлайди, қон томир ва бўғимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Шифобахшлик борасида **анорнинг** ҳам ўз тутган ўрни бор. Анор суви юрак ва томир ишини яхшилайдиган, гипертония ва камқонликда фойдалидир. У қонни тозалайдиган.

Ялпизли чой ичиб кўрганмисиз? Ичмаган бўлсангиз, энди бу гапимиздан кейин ичишингиз аниқ. У ошқозон шираси ишлаб чиқарилишини меъёрлаштиради, қон босимини туширади, уйқусизлик билан курашади.

Қатикни ёмон кўрадаган одам топилмаса керак. Абу Али ибн Сино бобомиз ҳам “қатикни сотиш-соғлиқни сотиш”, деб бежиз айтмаган. Қатик биринчи галда ҳазм қилиш тизимини фаоллаштиради, баданга ҳўллик еткази, ташналикни қондиради, қон босимини туширади, кўп терлайдиган, ҳарорати юқори, танаси заиф кишиларнинг баданига қувват бахш этади.

Олма шарбати бўйрак ва сийдик пуфаги учун жуда фойдали ичимлик саналади.

Мойчечакли чой антибактериал хусусиятга эга, асабларни тинчлантириб, бўшаширади.

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли қарори асосида туманимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

“Раҳбаробод” маҳалласининг ички кўчалари таъмирталаб бўлиб қолганлиги сабабли йўловчилар ва ҳайдовчиларга ноқулайликлар

туғдираётган эди. Бу эса аҳолининг ҳақли норозиликлари ва юқори идораларга мурожаат этишларига сабаб бўлди. Эндиликда муаммо ўз ечими-

МАҲАЛЛАНИНГ “АНЗИРАТ ХОЛА” СИ

Ёши етмишдан ошган чуввакина, юзларидан нур ёғилиб турадиган, кун бўйи ҳаракатдан тўхтамаганлиги боис ҳам соғлом, чаққон бу онахоннинг асл исми Насиба, лекин маҳалла аҳли уни “Анзират хола” деб чақирйишга ўрганиб қолишган. Чунки у кинофильмдаги Анзират хола сингари сира тиниб-тинчимайди, маҳалласининг иссиқ-совуғидан хабардор, тўю аза-сида маслаҳатгўй, кўмакчи.

Шу Анзират хола бир куни уйидаги компьютердан (барака топгур ўғли кўчага камера ўрнатиб қўйган) кўчадаги ўтган-кетганларга қараб ўтирганди, кўлида ичига нимадир солинган қора салафан кўтариб олган болага кўзи тушди. У теварак-атрофга аланг-жаланг қараганча, кўча боши томон кетиб борарди. Бир пайт кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уйлардан бирининг кўча девори тагига қўлидагини ташлади-да, орқасига қайтди. Ҳали кўп юрмаган ҳам эди-ки, Анзират хола уйидан чиқиб, унга рўбарў бўлди. Бола беш уй наридаги қўшнисининг ўғли эди.

– Тўхта, – деди, – бу нима қилганинг, болам, бировнинг девори тагига нима ташлаб келаяпсан?

– Ас-са-ло-ма-лай-кум, хола, – деди бола тутти-тутти. – Товуқ сўйган эдик, шунинг патлари ва ичак-чавақлари... Ойим шуни кўчага ташлаб кел, уйда ҳиди чиқиб ётади, итлар еб кетар, дегандилар. Ахлат машина қачон келади...

– Унгача уйларингизда турса бўлмас-

миди?

– Ёмон ҳиди чиқади-ку, хола.

– Уйларингизнинг олдига биров чиқинди ташлаб кетса ёқармиди?

...

– Ана шунақа, болам, аввал пичоқни ўзингизга ур, оғримаса бировга, дейишган. Эшигингизнинг тагига биров ахлат ташлаб кетса ёқмайди, у одамни ҳақоратлайсизлар. Сизларнинг шаънингизга ҳам биров ғойибдан ёмон гап гапирса маъқулми? Йўқ. Шундай экан, бу ёмон одатни ташланглар. Акс ҳолда маҳаллада маломатга қоласизлар. Сенга айтар сўзим шу.

Бола кечирим сўраб, бориб ташлаган ҳалтасини олиб қайтди...

– Анзират хола, қариндошимиз ўтиб қолибди, кечгача уйимиз ва болаларимизга кўз-қулоқ бўлиб турсангиз, деган илтимос билан чиққандим – деб қолди бир куни уч-тўрт уй нарида яшовчи қўшниси Лобархон. – Ҳозир уйда катта қизим бор, пешинда мактабдагиси келади. Боғчадагисини иш-

Қарор ва ижро

ни топди. Маҳалланинг “Наққош” ва “Илғор” кўчаларига биринчилардан бўлиб асфальт қопламаси ётқизилди.

Юқоридаги каби хайрли ишлар тумандаги 21 та маҳаллада амалга оширилмоқда. Аҳоли бундан мамнун бўлиб, бу ишга бош қўшганларга миннатдорчилик билдирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Орамиздаги одамлар

дан чиқиб қўшнимиз ўз болалари билан бирга олиб қайтади.

– Майли, сиз хотиржам бўлинг, мен қараб тураман, – деди Анзират хола бошидан сирғалиб тушган рўмолини қайта ўраркан...

Лобархоннинг юқори синфда ўқийдиган фарзанди Дилобар чаққонгина қиз бўлибди. Остонада Анзират холани хушмуомалалик билан кутиб олиб, ҳовлисидаги гилос соясига қўйилган стол-стуллар томон бошлади. Ўтиришга таклиф қилиб, Анзират холанинг “ҳеч нарса керакмас, ишингиз қилавер”, деганига ҳам қарамай столга нон-чой, қанд-курс қўйди. Кейин овқатга уннай бошлади. Дилобарнинг ҳатти-ҳаракатлари ошхонанинг ланг очиб қўйилган катта деразасидан қафтидагидек кўриниб турарди.

Дилобар тайёр бўлган таомни дастурхонга аччиқ-чучук билан тортиди. Анзират хола овқатни мактаб-мактаб еб бўлгач, дастурхонга дуо ўқиди. Дилобар идиш-товокларни ювиб бўлгач, чойни янгилаб келди.

– Энди, қизим, сенга бир гап айтмоқчиман, – деди Дилобар узатган пиёладаги чойдан бир хўплаб олгач. – Бундоқ қараб турсам, пўчоқларни ҳам, турли чиқиндиларниям битта идишга солаяпсан...

МАҲАЛЛАНИНГ “АНЗИРАТ ХОЛА” СИ

➡ **5** –Ҳа, шунақа, – деди Дилобар. – Кечга томон укам ҳаммасини чикиндихонага ташлаб келади.

–Мана шу ишинг жойидамас. Пўчоқларни алоҳида идишга солишни ўрган. Пўчоқни ташлаб бўлмайди, увол бўлади. Икки кўча нарида турадиган Сатор аканинг кўйлари бор. Уканг олиб бориб берса, кўйлар ейди, савоб бўлади. Салафанларни, қоғозларни, баклашкаларни алоҳида-алоҳида қопларга солиб йиғсанг, кўпаяди. Маҳалламизга яқин жойда шу нарсаларни қабул қиладиган жой очилган. Бориб топширсанглар, бир-икки сўм пул бўлади. Ҳарна-де, тома-тома кўл бўлур. Тўғри, бу пул билан ҳеч ким бой бўлиб қолмайди. Лекин атроф-муҳит тозалиги сақланади, ҳавомиз тоза бўлади.

–Гапларингиз тўғри, хола...

Анзират хола эрталаб туриб ҳовлига тушса, ҳаммаёқ тутун. Қаергадир ўт кетдим, деб юрагини ҳовучлаб кўчага чикди. Тутун келаётган томонга қараб қадамини илдамлатди. Анча юриб, кўшни маҳалла ҳудудига кириб борди. Маҳаллага кираверишдаги хонадон эгаси кўча тарафда томорқасидан олиб чиққан нам хазон ва экин пояларини буруқсатиб ёқаётганди.

–Шу қилаётган ишингиз яхшими, болам, – деди Анзират хола салом-аликдан сўнг. – Ёқаётганларингизнинг тутун бизнинг маҳалламизгача борапти. Беморлар бор, болалар бор, чақалоқлар бор, қариялар бор. Ҳаммаси шу тутундан заҳарланаяпти. Ҳеч шуни ўйлаб кўрганмисиз?

–Нима қилай, ҳаммаёқни чиқинди босиб кетди, ахлат машина буларни олиб кетмаса. Ноиложликдан-да, хола...

–Ноиложликдан, деб бировга зарар етказиш яхшимас. Томорқангиз катта экан, этагига чуқур кавлатиб, ташлаб қўйсангиз, ёгин-сочинда чириб, гомусга

айланади.

Анзират холанинг танбеҳи таъсир қилдими, аёл оловни ўчиришга сув олиб келиш учун уйига кириб кетди.

Анзират холанинг бу каби савобли ишлари кўп. Ҳатто ажрим ёқасига келиб қолган оилалар ҳам Анзират холанинг аралашуви билан ярашиб кетишади. Кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар ҳам уйлари атрофлари ва кираверишларини тоза тутишга ўрганишди. Маҳалла келинлари-ку, кўчаларни супуриш ва гуллар экишда бир-биридан ўзаман, дейди. Балоғат ёши остонасида турган ўсмирлар ва ёшлар ҳам кечалари кўча сангишни бас қилишди. Маҳаллада файз, меҳр-оқибат қанот ёзди.

Анзират хола ким, у қайси маҳаллада яшайди, дейсизми?

У орамизда, биз билан бирга бир ҳаводан нафас олаяпти, яшаяпти. Фақат уларнинг танбеҳларини, тиллоларга тенг насиҳатларини эшитишга ва бунга амал қилишга вақтимиз йўқ. Турмуш ташвишлари, охири кўринмайдиган орзу-ҳаваслар исканжасида куну тун ҳаловат билмай юғурамиз, еламиз.

Энди ҳаммасини бир четга сурунг-да, кўзларингизни катта очиб, ён-атрофга назар солинг, ҳамма маҳалланинг ўз Анзират холаси бор. Буну шу пайтгача сезмадингиз халос. Бу Анзират хола сизнинг кексايиб қолган бувингиз, холангиз, аммангиз, кўшнингиз...

Уларга нисбатан, кекса қайнона насиҳат қилса, келини унга қарата “энди жим ўтиринг, сизнинг даврингиз ўтди”, дегандек муомала қилманг. Анзират холаларнинг даври ҳеч қачон ўтмайди. Агар уларнинг насиҳатлари ва маслаҳатлари билан иш юритсангиз, бугунги ҳаётимиз янада гўзал, янада файзу тароватли бўлаверади.

Жамила РАХИМОВА.

Ёшлар нима иш билан машғул?

ҲАР ИШДА ФАОЛ

Бу йил Наврўз байрамини “Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним” шиори остида нишонлаганимизнинг ҳам рамзий маъноси бор. Чунки янги Ўзбекистон баҳорининг ҳар куни наврўз, ерга уруғ



қадаимиз, экинларни паравариш қиламиз, саховатли ишларни давом эттирамиз, бир-биримизга меҳр улашамиз ва кўп-кўп хайрли ишларга қўл урамизки, буларнинг барчаси ўтаётган тадбирларимизда, эзгу амалларимизда ўз аксини топмоқда.

Айниқса, бу йил ёшларнинг шашти ўзгача. “Қурувчи”, “Ойдин ҳаёт”, “Айри ота” маҳалла ёшлари энг шимариб “Ош пишириш” мусобақасини бошладилар. Буну қарангки, ҳамма ош шунақанги

лаззатли чикди-ки, бу ҳам бўлса унга қалбида ўти бор ёшларнинг кўли текканлигидир.

“Истиқбол” маҳалласи ёшлар етакчиси эса соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга киришиб кетди. У маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ўтказди. Мусобақани ўтказишдан мақсад “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказиладиган мусобақаларга муносиб номзодларни танлаб олиш эди ва бунга эришилди.

Туман марказида бўлиб ўтган “Юртим мунаввар оқшомлари” маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирида ёшларнинг фаоллиги алоҳида сезилиб турди. Концерт дастурлари, турли ўйинлар кечага файз қўшди.

Айниқса, тадбирда имконияти чекланган ёшлар ўртасида спортнинг шашка тури бўйича ўтказилган мусобақа барчанинг эътиборини тортди. Ҳали бўлган ёшлар туман Ёшлар ишлари агентлиги томонидан муносиб тақдирланди.

Наврўз байрамида ҳам фаол иштирок этиб, ўзларини кўрсатган туман ёшлари энди “Беш ташаббус олимпиадаси”да ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга кириштишга шай бўлиб туришибди.

Ж.АМИРОВА.

ЎСТОЗЛАР БЕМАШУВИ

Маълумки, Ўзбекистон касабаси билан “Соғлом танда – соғлом ақл”

шиори остида Касаба уюшмаси кўбоги учун спорт мусобақаларига старт берилган эди. Туманимизда ҳам бу мусобақалар қизғин ўтди.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент тумани кенгаши ижроия қўмитаси, туман Халқ таълими бўлими ва туман Ёшлар сиёсати ва спорт бўлимлари томонидан қабул қилинган қўшма қарорга кўра, спортнинг мини футбол, волейбол (аёллар ўртасида), стол тенниси, шахмат ва шашка турлари бўйича икки босқичли мусобақалар ўтказилди.

Мусобақаларнинг секторлар бўйи-

ча босқичида 680 нафардан ортиқ ўқитувчилар иштирок этишиб, ғолиблар туман босқичига чиқишди. Беллашувнинг туман босқичида 119 нафар

Касаба уюшмалар ҳаёти



ўқитувчи иштирок этди. Ҳали бўлган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Анвар ЗАКИРОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент тумани кенгаши раиси.

“ҒИШТКЎПРИК”КА ЭНДИ АВТОБУС БОРАДИ

Бугунги кунда бирорта жойга бормоқчи бўлиб кўчага чиқсангиз, бир пайтлардагидек қийинчилик сезмайсиз, сабаби автобус, йўналишли такси ва бошқа транспорт воситалари жуда кўп. Бу каби қулайликлар эса йил сайин ошиб бормоқда.

Туман Кенгаши депутатларининг ёрдами билан яқинда Навоий ҳудудини “Чорсу” бозори билан боғловчи 120-автобус хизмати йўлга қўйилган



эди. Наврўз байрами арафасида эса пойтахтнинг “Шаҳристон” метросидан “Ғишткўприк” чегара постигача қатнайдиган 169-автобус йўналиши йўлга қўйилди.

Дастлаб 5 километр шаҳар ҳудудини, сўнгра 10 километр масофани вилоят ҳудудидан босиб ўтувчи ушбу йўналишда “8-автобус саройи” филиали транспортлари қатнай бошлади. Бунгача аҳоли пой-

йўловчиларга оғирлик қилаётганди. Эндиликда йўловчилар қулай автобусларда манзилига йўл олмоқда. Аҳамиятлиси, йўл ҳақи арзон. Автобуснинг яна бир қулайлиги шундаки, у эрталабки соат 5:30 дан кечқурунги 22:30 гача йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бу хизматдан эса мазкур йўналишга яқин масофада жойлашган аҳолимиз чексиз миннатдор.

Ўз мухбиримиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 12-moliya.shakli ойлик (Ташкилот фаолияти тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 18 санасидан кечиктирмай тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, суғурта ташкилотларидан

ташқари) уларнинг алоҳида бўлинмалари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика агентлиги томонидан белгиланган рўйхат бўйича), eStat 4.0 автоматлаштирилган онлайн тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтаемиз.

Туман статистика бўлими.

КЎНГИЛ ОЛМОҚ САВОБДИР

Муборак Рамазон ойи муносабати билан туманимизнинг ҳар бир маҳалласида раис бошчилигида ифторлик дастурхонлари ёзилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари меҳмон қилинмоқда.

Ушбу улуғ ойда ён атрофдагиларга меҳр-саховат кўрсатиш, яқинлар ҳолидан хабар олиш катта савоб. Шундай экан, саховатпеша инсонлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, нуронийлар ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олишмоқда.

Ифторликда иштирок этган рўздор нуронийларимиз юртимизга

тинчлик-осойишталик, деҳқонларимиз ҳосилига барака, Президентимиз раҳбарлигида

чи”, “Хувайдо” каби маҳаллаларда бўлиб ўтган ифторликлар ҳам ана шу эзгу ишларнинг

Меҳр-мурувват



юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ривож тилаб, дуога қўл очмоқдалар.

“Қизғалдоқ”, “А.Навоий”, “Озодлик”, “Ғиштқўприк”, “Қурув-

бирига айланди. Давлатимизнинг саховатидан меҳмонга келганларнинг қувончи чексиз, руҳи баланд бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

1 ва 1-сектор ҳудудида сектор раҳбарининг 2022 йил якуни бўйича амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022- 2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида”ги ПҚ 408-сонли қарори ижроси ва туманда йўлларни асфальтлаштириш ва таъмирлаш ҳолатлари, Оила ва хотин-қизлар бўлимининг 2023 йил 2-чораги давомида амалга оширилиши режалаштирилган масалалар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги

Мажбурий ижро бюроси туман бўлими бошлигининг ҳисоботи ва туманнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Реклама ва эълонлар

Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 13 апрелда 1115283 реестр рақам билан рўйхатдан ўтказилган **“BISYOR MAKON MEDIA” МЧЖ** (СТИР: 309461077.

Манзили: Оқибат МФЙ, Келес йўли кўчаси 112-уй) таъсисчининг 2023 йил 7 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти ИИББ томонидан **Ибрагимов Карим Раҳимжонович** номига 2022 йил-

да берилган **Т № 16521** рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

1986 йилда 2033-ҳарбий қисм ко-мандирлиги томонидан **Азимбаев А-хам Болтабаевич** номига берилган

А №044329 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Зангиота тумани Мудофаа ишлари бўли-ми томонидан 1985 йилда **Нажмутдинов Шакир Фатхитдинович** номига имтиёз

ҳуқуқларини берувчи **А №604810** рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент тумани **“AVTOLUX” МЧЖ** томонидан **Турғунов Комолид-дин Ортиқбаевич** номига 2022 йил-

да берилган **11АА 472062** рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 15 март-да 1111936 реестр рақам билан рўйхат-дан ўтказилган **“ZULAYXO-QUVONCH” ХК** (СТИР: 309375334. Манзили: Чоште-

па ССГ, Тутзор МСГ, Чавандоз кўчаси 3-уй) таъсисчининг 2023 йил 7 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент тумани Давлат хизматлари мар-кази томонидан 2021 йил 12 апрелда 976162 реестр рақам билан рўйхатдан ўтказилган **“NIGORA NUR OMAD” ХК** (СТИР: 308382595.

Манзили: Ҳасанбой, Й.Ҳасанбой кўчаси 37-уй) таъсисчининг 2023 йил 7 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти ИИББ томонидан **Абдукадиров Акбаржон Юлдаше-вич** номига 2009 йилда берилган

№ 088484 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент тумани Давлат хизматлари мар-кази томонидан 2021 йил 5 майда 987712 реестр рақам билан рўйхатдан ўтказилган **“VESAGRO PRO” МЧЖ** (СТИР: 308472737.

Манзили: Чоштепа ҚФЙ, ТХАЙ 30-уй) таъсисчининг 2023 йил 7 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 21 октябрда 1995419 ре-естр рақам билан рўйхатдан ўтказилган **“BINTU MUSLIMA” ХК** (СТИР: 309960255. Манзили:

Қизғалдоқ, А.Навоий МФЙ “Бойтепа пр 6” кўча-си, 31 Б-уй) таъсисчининг 2023 йил 7 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2015 йил 28 июл-да 5331 реестр рақам билан рўйхатдан ўтказилган **“OLTIN TERA MEDICAL” МЧЖ** (СТИР: 303403935. Манзили: Кўк-

сарой, “Шифобахшсувлар” кўчаси, 169-уй) таъсисчининг 2023 йил 7 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

ЗУЛМАТ ИСКАНЖАСИДА

Зайнаб қорни тўйгач, ширин уйкуга кетган йўрғакда-ги чақалоғини бағрига босганча ётоқхонасининг деразаси ёнига келиб, ташқарига назар ташлади. Кундузлари кўп қаватли уйнинг ойнаси-дан олис-олисларга боқиш, қаторлашиб турган кўп қаватли уйлар, йўл-лар, узоқ-узоқлардан кўзга яққол ташланаётган далалар унга алоҳида завқ бағишлар, қалбига қандайдир сокинлик зилол сувдек оқиб кириб, борлиғини яшнатиб юборарди.

Ёки итнинг сабоқлари

Ҳикоя

Ҳозир эса тун. Аскарлардек тизилиб турган бетон устунларга ўрнатилган тунги чироқлар бир-бири билан пойга ўйнагандек атрофга ёруғлик таратади. Кўчада одамлар сийраклашган. Бу топ-да зарур иши бўлганлар кўчага чиқмаса, ҳамма оиласи даврасида ё овқатланиб ёки телевизор кўрибми, телефон титки-лабми ўтирган бўлади.

Зайнаб кўчадан кўзини узиб, кучоғидаги гўдакка меҳр билан тикилди. Бугун унинг туғилганига 20 кун бўлди. Эр-хотин бу жажжи вужудни қанчалик орзиқиб кутишганди-я.

Гўдакнинг бир ғингишиб қўйиши Зайнабни сергаклантирди, уни совуқ қотиб қолган, дея ҳаёл қилиб, болалар кровати ёнига борди-да, у ердаги иссиқ адёлни олиб, Ойшанинг орқа тарафини ўраб, икки тарафини ўзининг бағрига тортиди.

“Фотиҳ бунча ҳаяллаб қолди”, деб ўй-лади ҳавотирланиб яна дераза олди-га бораркан. Турмуш ўртоғи болалар таг-лигини олиб келиш учун дўконга чиқиб кетганига кўп вақт бўлмаганди. Лекин бу фурсат келинчак учун жуда узоқ ту-юлиб кетди. Қайнонасини кеча зўрлаб қайнагачисининг қишлоқдаги уйига жўна-

тиб юборганди. Аслида қайнонаси ёмон аёл эмас, фақат ҳадеб неварасини қўлидан қўймаслиги, бола парвариши бўйича турли туркона маслаҳатлар беравериши Зайнабнинг ғашига тегарди. Тўғри-да, ҳозир тиббиёт ривожланган бўлса, бир пайтлардаги, яъни “ёввойи”лар даври-даги ирим-сиримларнинг нима кераги бор, болага инфекция юқиб қолса нима бўлади. Бундан ҳам бурун у чақалоғини қайнонасидан қизғанаётганди. У кетгани-дан кейин эркин нафас олди.

Бир пайт кўзи пастда, деразасининг рўпарасида турган итга тушди. Бу эгасиз итнинг ўзларининг ҳудудида пайдо бўлиб қолганига анча бўлган, кўчадан на-сибасини териб еб юрарди. Зайнаб ҳам қайнонасининг қистови билан тез-тез унга қолган-қутган овқатлардан олиб ту-шиб бериб турарди. Шу сабабли бўлса керак ит Зайнабни кўрганида, думини ли-киллабганча унинг яқинига келиб, эркала-на бошларди. Келинчак эса унга рўйхуш бермас, тўғрироғи, итни ёқтирмас, уни кимдир биров олиб кетишини ёки бирор тасодиф бўлиб йўқолиб қолишини жу-да-жуда истарди. Лекин ит ҳамон улар яшайдиган кўп қаватли уйнинг атрофи-

да дайдиб юрарди. Бугун ҳам унинг икки кўзи юқоридаги қаватдаги ойнада эди. Бир пайт ит тумшугини осмонга чўзганча бирданига қаттиқ увуллай бошлади. Зайнабнинг юраги орқасига тортиб кетди. Бувиси айтарди, итнинг увуллаши яхши-лик аломати эмас. Зайнаб худди биров чақалоғига бирор ёмонлик қиладигандек, уни кучоғига маҳкам босди. “Увулламай ўл, ўз бошингни ўзинг егин ит бўлмай. Мен тагин унга овқат бериб юрибман-а. Дера-замнинг тегига келиб ёмонлик тилаяпти.” Қолган воқеалар бир зумда содир бўл-ди. Алланима қаттиқ гурсиллаб, ер силки-на бошлади. Бу ҳақиқий даҳшатнинг ўзги-наси эди. Кўп қаватли уйдан кўчага қочиб чиқиш иложсиз. Наҳот йўқ. Шу тобда ми-яси яшин тезлигида ишлаб кетди. Бувиси, зилила бўлганида уйнинг бурчагига бориб туриш керак, дерди. Зайнабнинг бахтига уйнинг бурчаги яқин жойда эди. Икки хатлашда етиб олди ва бирдан уй гурсиллаб қулаб, гўёки барча хоналарни ер қаърига тортиб кетгандек бўлди.

Зайнаб нима бўлганини англолмай ҳам қолди. Бир неча дақиқа олдиншундоққина яқинида турган икки кишилик кровати, бошқа жиҳозлар, ошхона, қўшимча хо-налар бир зумда кўз олдида ғойиб бў-либ, ўзини қоронғилик бағрида қўрди.

Келинчакнинг борлиғи қаттиқ кўрқув оғушида қолди, бақирай деса товуши чиқмайди. Боласини янада маҳкамроқ бағригабосди. Бироздансўнгчирт юмган кўзларини аста очди ва қоронғиликдан

бошқа ҳеч нарсани кўрмади. Анчадан кейин кўзлари қоронғиликка ўрганиб, атрофга аланглади. У ўтириб қолган бурчаккина келинчакнинг нажоткорига айланганди. Бетон плиталар, эшиклар, яна алланималар бир-бирига қоришиб қулаганча, ёруғлик салтанатини бу зул-матли дунёдан узиб қўйганди. Тўрт та-раф гўёки мустаҳкам темир қалъага ай-ланганча ёш келинчак ва унинг гўдагини асирликка олганди. Фақат салкам икки метрни ташкил этадиган бу коваккина Зайнабнинг нажоткорига айланганди.

Қулоғига кимларнингдир бақир-чақир, қандайдир товушлар элас-элас чалин-ди. Неча соат бор овози билан бақириб, одамларни ёрдамга чақирди, эслолмай-ди, лекин унинг товушини совуқ ва ҳиссиз бетон плиталар ютиб юбораверди. Охири ҳолдан тойдди, товуши бўғилиб қолди.

Энди нима бўлади? Ноилоҳликда қолган Зайнабнинг калласида шу фикр тинмай чархпалакдек айланарди. Бу ердан чиқиб кетишнинг сира иложи йўқ. Фақат бахтли тасодифгина уни бу зулматдан олиб чиқиб кета олади. Лекин келинчакка бу ҳам тасал-ли беролмасди, чунки у жуда катта юкнинг остида қолганди. Камига уй қулаганида атрофга таралган чанг, шағалга аралаш-тирилган цемент ва пишган ғиштининг уқаланиб кетганидан кейинги ҳидидан кўнгли беҳузур бўла бошлади.

Дастлабига у кимирашга ҳам кўрқди. Сал кимирилса бетонлар ҳаракатга келиб босиб қўядигандек туюлаверарди. Анча-дан кейин ён-берини назардан ўтказди. Тагида юмшоқ гиламнинг бир бўлагини кўриб қувониб кетди.

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОН
ЎГИТЛАРИ

Мен ҳаётим мобайнида ушбуларга қатъий эътиқод қўйдим ва амал қилдим:

Тафаккур- фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳафизаси кучли инсон ҳар қандай мушкулдан осон қилиш йўлини топа олади.

Қилич- ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осоишталигининг посбони, ҳар қандай душманни маҳв этиш қуроли.

Имон-ул инсонни барча жонлилардан фарқлантириб тургувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди.

Китоб(битик)-барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Янги шеърлар

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

Олтин ўтда, куч адолатда синалар, бор нақл,
Тубдан янгиланди пойтахт, бовар қилмайдур ақл.
Эрки қўлда, юрти обод, фаровон халқим,
Севимли, жонажон, мустақил юртим.

Яралди кўплаб гўзал боғлар,
Ёшлар таълими учун олий ўқув даргоҳлар.
Соғлом эл-юрт бойдир, англари шифокору оқил,
Хавас қилинг, тоабод Ўзбекистон мустақил.

**Ўбайдулла Жўрашев,
Алишер Навоий номли маҳалла.**

ЯХШИЛАР

Кўзида нур – ҳикмати,
Қўлида дур – ҳиммати,
Юрагининг улфати –
Яхшилар бор бўлсинлар.

Ҳар сўзи минг маъноли,
Яхшилик – иш-аъмоли,
Дунёмизнинг камоли,
Яхшилар бор бўлсинлар.

Яшил боғлар яратар.
Кўнгилларни яйратар,
Меҳр-нури таратар –
Яхшилар бор бўлсинлар.
Пўлат Худойберганов.

➡ **7** Ҳарҳолда бетонда ўтиргандан кўра сал бўлса-да, фойда беради. Афсуски, унга бундан бошқа ёрдам берадиган бирорта бошқа жиҳоз йўқ эди. Қаттиқ безовталанаётган чақалоқни овутиш учун қўлларида тебратаркан, ўзини-ўзи қойиди: “Шу ит бечора мени бу фалокатдан огоҳлантириш учун келган экан, мен аҳмоқ уни бекорга қарғаган эканман.” У шу топда ҳайвонларга меҳр кўрсатиш кераклигини ниҳоят тушуниб етганди.

–Турмуш ўртоғим билан яхши еб-ичмай, қайнонам шўрликнинг касалини даволатишга ҳам пулни қизганиб, қайнона кийнаиб қолиб, пул сўраб келганида ҳам бир чақа бермасдан, бирор жойга бориб, ўйнаб-кулмай, шунча мол-дунё йиғдик, жиҳозлар олди ва бу билан фахрландик, – дея ўзига-

матларнинг қадрига ҳеч қачон етмас экан.

Чақалоқ уйғониб, яна йиғлашга тушди. Она унга кўксини тутди. Бошига не савдолар тушганидан беҳабар гўдак иссиққина сутни култилатиб юта бошлади.

Зайнабнинг олдида яна катта бир муаммо турарди, бу сут ҳам кўпга етмайди. Ўзи-ку, очликка чидар, лекин гўдагига нима беради, унинг чақалоқнинг муштидек ҳам келмайдиган ошқозонини қандай тўйдирарди? Манашу нарсани ўйлагани сайинунинг азови ортаборарди. Бунинг устига бетонлар тўрт тарафдан совуқ пуркаб, унинг матонатия бардошини синамоқчи бўлгандек, борлигини чирмаб борарди. Совуқ кунда иссиқ чой ичса, одамнинг ичига илиқлик югу-

гаплари у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетарди.

Бир пайт оёқ тарафидаги бетон плитининг четидан нимадир чақиллаб тома бошлади. Энгашганча у томонга сурилиб бориб, қўлини тутди: сув! Кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Ташқарида ёмғир ёғаётган бўлса керак, қум, цемент ара-лаш лойқаланган сув ингичка ипдек чўзилиб тушарди. Ҳовучига сув тўлар-тўлмас, лойқалигига ҳам қарамай ютоқиб симири-ди. Кейин чақалоғининг оғзига тутди. Гўдак тамшаниб ютindi. Бу, икки жон учун дунё-

Зайнабнинг хаёлига бир нарсга келди-ю, қувончдан қичқириб юборди. Яқинда бир фильм кўрганди. Бир гуруҳ одамлар душмандан қочиб, ўрмонларга, қишлоқларга боришади. Ҳаммаси оч-наҳор. Қўлида чақалоғи бор бир аёл ҳам улар билан бирга эди. Чақалоғи очликдан тинимсиз йиғлайверганидан кейин она шартта бармоғи учининг бироз жойини кесиб, бармоқни чақалоқнинг оғзига солади.

Зайнаб учун ҳам бу охири-ги на-

ЗУЛМАТ ИСКАНЖАСИДА

ўзи гапира бошлади. –Мана, оқибатда нима бўлди, пул, мол-дунё қўлнинг кири, деганларидек, бир зумда йўқ бўлиб кетди. Буларнинг ҳеч бири бизни бу фалокатдан сақлаб қололмади, бир сонияда йўқ бўлиб кетди.

У шу топда яна бир нарсани – мол-дунё бевафолигини, бу дунёда фақат одамларга қилинган яхшиликлар, эҳсонлар қолишини тушуниб етганди.

Орадан бир соатми, икки соатми вақт ўтди, танасидаги қалтироқ аста-секин босилгач, тинимсиз безовталанаётган чақалоғи ҳам енгил тин олиб, уйкуга кетди. Шунда у ўзидаги кайфият чақалоғига ўтаётганини тушунгандек бўлди. “Қайнонам бекорга айтмаган экан, кайфиятингизни яхши қилинг, асабингизни бузманг, бу болага таъсир қилади, деб. Мен аҳмоқ бўлмасам, шунча фарзанд ўстирган қайнонамнинг гапини эскилик сарқити, дейманми”.

Соат миллари каби Зайнабнинг миясидаги фикрлар тинмай айланарди. Ўтаётган вақт ичида у бир лаҳза ҳам фикрлашдан, ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишдан тўхтамади. Авваллари уйда ҳаттоки бир соатга ток ўчиб қолса, фиғони фалакка чиқиб, электр таъминоти ходимларини айблашдан бўшмасди. Энди эса кундуз куннинг ёруғи, қуёшнинг чарақлаб туриши нақадар катта бахт эканини англади. Одамзод бошига бирорта иш тушмаганича олдида турган неъ-

ради, бироз бўлса-да, исийди. Иссиқ хоналар, иссиқ чойларнинг қадри энди билинди. Совуқдан Зайнабнинг ич-ичига қалтироқ кирди. Боласини бағрига олиб, унинг каттароққина адолига ўранди. Анчадан кейин баданига сал илиқ югургандек бўлди.

Боласи таомланганидан кейин унинг ичи илдираб кетди. Қанийди, ҳеч бўлмаса бир бурда нон бўлсайди... Кўз олди-га чиқиндига ташлаб юборган қанчадан-қанча нон бурдалари, қолдиқ таомлар келди. Ҳозир шулар бўлганида кўзига суртиб еган бўларди. Исрофгарчиликларнинг жазо-симикин-а бу?

Орадан неча кун ўтди, бирми-иккими... Зайнаб бунинг ҳисобини билмасди. Энди қорнининг очгани ҳам сезилмасди. Фақат қаттиқ чанқади. Кўз олдида сувга ўрна-тилган жўрмақдан оқиб ётган оби ҳаёт келди. Қанчалик зилол эди у сув. Лекин бу сувнинг таъми яхши эмас, деб эрига дўкондаги баклашкаларга солинган сувдан олиб келтиртириб, шундан ишлатарди. Кир кийимларни ювганида уни чайиш учун ваннадаги сувни соатлаб очиб қўяр, қайнонасининг тежамкорлик ҳақидаги

даги барча неъматлар ичида энг азизи эди.

У сувга яна қўлини чўзди. Ниҳоят, чанқоғи қонди. Сув ҳам тўхтади.

Ҳар доим югурадиган вақт бу ерда йилга тенг бўлиб ўтаётгандек эди. Ҳам



совуқ, ҳам очлик, ҳам сувсизлик тобора ўз забтига олаётган эди. Балки бир, балки икки кундир, етарли таомланмаган гўдакнинг ҳам очликдан силласи қуриб, ҳаттоки йиғлашга ҳам мажболи қолмаганди.

Нима қилиш керак? Боласи ўлиб қолса-я? Зайнабнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлиб тепди, худди у ҳозир абадий уйкуга кетадигандек, маҳкам бағрига босди.

Онани фарзанди учун ҳамма нарсга қодир дейишса, ҳеч иккиланмай ишона-веринг. Шу топда боласи учун ҳаттоки жонини беришга ҳам тайёр бўлиб турган

ж о т эди. Бармоғидан бирини қаттиқ тишлаганди, у ердан қон оқа бошлади. Бармоқни йиғлаётган гўдакнинг оғзига солди. Бу жуда азобли ва оғриқли ҳолат эди. Бола тинчланиб, бироздан кейин уйкуга кетди...

Зайнаб қарахт бўлиб ётар, узоқ-узоқлардан келаётган қандайдир шовқинлар қулоғига элас-элас чалинар, лекин бу нима эканлигини у англаб етadиган ҳолатда эмасди.

Бир пайт у ётган жойга ёруғлик тушди. Кимнингдир “тирик жон борми?”, дея қаттиқ овозда сўрагани эшитилди. “Биз бу ердамиз”. Эшитилар-эшитилмас ай-тилган бу гап кутилган жойга етиб бормади. Яна чақалоғи йиғлай бошлади.

–Ие, бу ерда чақалоқ бор экан, қани бир ҳаракат қилайлик.

–Аста-секин силжитамиз.

–Жуда эҳтиёт бўлинглар!

Бу каби гаплар Зайнабнинг қулоғига узоқлардан эшитиларди. Бир пайт улар ётган жойга каттагина тешик очилди ва у ердан бақувват бир қўл сирғалиб кирди: “Болани узатинг”.

Қутқарувчилар аввал болани, кейин онани у ердан чиқариб олишди. Шифокорлар тезда ёрдам кўрсата бошлашди. Зайнаб кўзини очганида кўрган биринчи нарсаси тепасида кўзларини мўлтилла-тиб турган ит бўлди. У ингилаганча кел-инчакни юзларини ялашга тушди. Зайнаб ҳолсиз қўлларини кўтариб, итнинг бошини силади.

–Шу ит ҳеч олдимиздан кетмади-да, –деди қидирувчилардан бири. –Сизни топмагунимизгача қўймади. Фақат шу ерда айланиб, ерни кавлайверди...

Жамила АРСЛОНОВА.

ob-havo ma'lumoti	7-aprel		8-aprel		9-aprel		10-aprel		11-aprel		12-aprel		13-aprel	
	+11	+13	+8	+10	+11	+13	+13	+15	+12	+14	+11	+13	+14	+16
Kunduzi	+17	+19	+22	+24	+23	+25	+19	+21	+21	+23	+22	+24	+24	+26

Muassis: Xalq deputatlari Toshkent tumani Kengashi va tuman hokimligi	MANZILIMIZ: 111100, Keles shahri, “Keles yo'li” ko'chasi, Hokimlik binosi. Elektron pochta: diyor_ovozi@mail.ru Telegram kanalimiz: @diyor_ovozi	Gazeta haftaning juma kuni chiqadi. Hajmi 1 taboq, qog'oz bichimi A3. Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda. Bosishga topshirish vaqti: 12.00 Bosishga topshirildi: 12.00 1 2 3 4 5 6	Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Xurshida TASHKENBAYEVA.
Bosh muharrir:			
Sa'dulla MATYOQUBOV		Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e'lonlardagi ma'lumotlarning to'g'riligiga arizachi mas'ul.	
«BUSINESS PRINT DESIGN» XK bosmaxonasida bosildi. Toshkent shahri, So'galli ota ko'chasi, 5-uy. Adadi 1045. Buyurtma №		Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikasiyalar boshqarmasida 2019 yil 7 sentyabrda 03-072 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr indeksi: 7059	Nashr uchun mas'ul: Muhtabar HAMIDOVA.